

**Fidoyilik – vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

**2022-yil 8-yanvar, shanba,**
2 (23.569)-son

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz


**КУН ҲИКМАТИ**

Ота-онанинг фарзандлари, раҳбарнинг ўз ходимлари, аканинг ука олдида ишончини йўқотиши фожиа

# Вилоят ҳокими ўринбосарлари ҳисобот берди

**7 январь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг эллик тўртинчи сессияси ўтказилди.**

Кенгаш котибияти мудири Ш.Йўлдошев бошқарган сессияда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 24 августдаги "Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича 2021 йил IV чоракда ва йил давомидаги фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари бажарилиши ҳақида ҳисобот берди.

– Қарорга асосан, менга жами 39 та йўналишда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини таъминлаш вазифаси юклатилган, – деди вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Ж.Ўроқов.
– Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми тўртинчи чоракда 13,4 триллион сўмга, йил якуни билан эса 51,2 триллион сўмга (114,3 фоиз) етказилиши кутилмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми 12,9 миллион сўмга тўғри келади. Саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши тўртинчи чоракда 14,7 фоиз, йил якунида 14,7 фоизга етди.

Ж.Ўроқов шу тарзда барча йўналишлар бўйича эришилаётган натижалар ҳақида маълумот берди. Ўз навбатида, йўл қўйилган камчиликлар ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларга тўхталди.

Вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари А.Шукуров ўзи масъул бўлган 20 йўналиш бўйича, вилоят ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи О.Хўжаев инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ташқи савдо йўналишида 16 та асосий KPI (Key Performance Indicators) самардорлик кўрсаткичлари бажарилиши бўйича, шунингдек, Ф.Абилов 21 та, Х.Очилов 21 та, Д.Маматқулов 12 та, Р.Қобилов 15 та ва И.Жабборов 24 та асосий мезонлар бўйича ҳисобот берди.

– Кенгаш сессияларида йил давомида турли дастурлар ижроси юзасидан ҳоким ўринбосарларининг ахборот ва ҳисоботларини эшитамиз, – дейди халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати Б.Хўжаёров. – Лекин бугунги каби ҳисоботлар ўринбосарларнинг ўзлари масъул бўлган комплексда амалга оширилаётган ишлар юзасидан улар фаолиятига баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга. Яна бир эътиборли томони, бу ҳисоботларни эшитиш билан бирга ўзимиз сайланган сайлов округидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, аҳолининг мурожаатлари асосида ўринбосарларга ўз таклиф ва тавсияларимизни ҳам билдирамиз.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил I ярим йилликдаги ва доимий комиссияларнинг 2022 йилга мўлжалланган иш режалари тасдиқланди.

Вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси вилоят кенгаши раиси С.Рафиқов "Аёллар дафтари"ни шакллантириш бўйича учинчи босқич ишлари бошлангани ва амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.



**14 январь – Ватан ҳимоячилари куни**

# «МЕН ҲАМ ЧЕГАРАЧИ БЎЛАМАН!»

**"Жасорат" медали соҳиби Мурод Тожиев Жомбой туманида туғилган. 2000 йилда тумандаги 17-умумтаълим мактабини тамомлаб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган. Шундан сўнг, Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари сафида хизматни давом эттира бошлаган. 2011 йилнинг 13 ноябрида мамлакатимиз чегарасини бузиб кирмоқчи бўлган жиноятчиларга қарши жангда мардларча ҳалок бўлган.**

Тумандаги 17-умумтаълим мактабида Ватанимиз мустақиллиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш йўлида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган М.Тожиевнинг бюсти ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Марказий ҳарбий округ ҳамда чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари ушбу мактабда бўлиб, қаҳрамон ҳарбийни ёд этишди.

Тадбирда маҳалла фаоллари, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлари ҳам иштирок этди.

- Мен ҳам катта бўлсам чегарачи бўламан, - дейди М.Тожиевнинг ўғли Шуҳратбек Исмоилов. - Дадам душманларга қарши курашиб, қаҳрамонлик кўрсатган. Келажакда Ватаним учун хизмат қилишга, генерал бўлишга қарор қилдим.

Ҳарбийлар собиқ сафдошининг хонадонида унинг оила аъзолари билан суҳбат қилди. М.Тожиевнинг жасоратини халқимиз ва давлатимиз ҳеч қачон унутмаслиги, унинг яқинлари доимо эътиборда бўлиши таъкидланди.

**А.БАРОТОВ**

**Бугуннинг гапи**

# ҚЎШНИНГИЗ НОТИНЧ БЎЛСА,



## Сиз хотиржам ўтира оласизми?

**Албатта, йўқ. Сизнинг ҳам тинчингиз йўқолади. Ўзингизнинг оилангизда, ён-атрофингизда нималар бўлаётгани билан қизиқасиз. Қўшнингизнинг уйида нега бундай ҳолат юзага келганини ўйлайсиз. Ўзингизча сабаб ва оқибатларини таҳлил қиласиз. Ва, албатта, тезроқ ҳаёт изга тушиб, хотиржам бўлишини истайсиз.**

Ўтаётган ҳафтада Қозоғистон Республикасида юзага келган ҳолатга ҳам қўшни давлат сифатида бизнинг давлатимиз, халқимизга ана шундай таъсир қилди, десак хато бўлмас.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қозоғистондаги воқеалар юзасидан баёнот бериб, бу ҳолат мамлакатимизда хавотир билан қабул қилинганини қайд этди ва Ўзбекистон Қозоғистон халқи ва раҳбариятининг мамлакат барқарорлиги ҳамда равнақи, миллат фаровонлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

6 январь куни эса давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президенти билан телефон орқали мулоқот қилиб, Қозоғистоннинг биродар халқи ва раҳбариятини уларнинг мамлакат барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларида доимо қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлади.

Гўёки, табиий газ ва ёқилғи нархи ошишидан норозилик сифатида бошланган намойишлар, афсуски, кейинчалик бошқача тус олди. Яъни, бу халқнинг шунчаки норозилиги эмас, балки бунинг ортида мамлакат ичкариси ва ташқарисида маълум бир кучлар тургани, асл мақсад-муддао бошқача эканлигини кўрсатди.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бу тартибсизликлар талончилик, босқинчилик кўринишини олгани, маъмурий бинолар ва стратегик иншоотларни эгаллашга уринишлар бўлгани ҳақида хабарлар тарқалди. Айрим жойларда бу мақсадларга эришилди ҳам.

Лекин энг ёмони бундан тинч аҳоли жабр кўрди, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва ҳарбийлар орасида қурбонлар бўлгани хабар қилинмоқда. Икки-уч куннинг ичида тинч ҳаётга путур етди, корхоналар фаолияти тўхтади, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тизимлари издан чиқди. Айрим шаҳарларда одамлар нон учун узундан-узоқ навбатда тургани акс этган сурат ва лавҳалар тарқалди.

Мана – тартибсизлик оқибати, нотинчлик натижаси. Асл мақсадни билмай туриб, турли кучларнинг таъсирига тушиб қолиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаганини қўшни давлатдаги воқеалар ҳам исботлади.

Хўш, бу воқеаларга бизнинг муносабатимиз қандай бўлди? Табиийки, ҳеч биримиз ёқламадик. Оддий одамлар ҳам "Қозоғистон иқтисоди мустаҳкамланиб, яхши ривожланаётган эдида", деб афсус билан фикр билдирди.

Ҳар ким ўз идрокича, билганича муносабатини билдиряпти. Тинчлик олий неъмат, бунинг қадрига етиш кераклиги ҳам кўп такрорланяпти. Аммо қилдан қийиқ ахтарадиган айрим шахсларнинг ижтимоий тармоқларда, davraларда турли кесатиқ ва киноялар билан гапириши, одамларга таъсир кўрсатишга уриниши ношукрлик, қалб кўрлигидан бошқа нарса эмас, назаримизда.

Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади, деган гап бор халқимизда. Қозоғистонда ҳам тез орада ҳаёт изга тушиб кетиши, тинчлик, барқарорлик таъминланишига ишонамиз. Аммо юзага келган бу ҳолатнинг таъсири мамлакат ичида ва халқаро майдонда ҳам ҳали узоқ сақланса керак.

Қўшнинг тинч – сен тинч, деган гап ҳавойи, баландпарвоз гап эмас.

**Бунинг учун ҳоким лавозимига номзод илгари сурилиши тартиби қайта кўриб чиқилади. Янги тартиб жорий қилинса, ҳокимликка номзод маҳаллий Кенгашда ҳудудни ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилади. Бу борада жорий йилнинг март ойигача тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.**

# Туман, шаҳар ҳокимларини маҳаллий Кенгаш сайлаши мумкин

Мазкур масала айни пайтда жамоатчилик муҳокамасида бўлган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"да белгиланган.

Лойиҳага кўра, энди маҳаллий ҳокимликларнинг ҳар бир вазифа ижроси, шунингдек, сарфланаётган маблағлар юзасидан жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлиги оширилади.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилаш назарда тутилмоқда. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида камида 2-3 нафар депутат доимий асосда ишлайдиган тартиб жорий этилади.

Ичимлик ва оқова сув, ички йўллар, бошқа инфратузилма объектларини қуриш дастурларини тасдиқлаш ҳам халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари ваколатига ўтказилади.

Умуман, мазкур тартиб жорий этилса, фуқароларнинг жамият ҳаёти ва бошқаришдаги иштироки учун кенг имкониятлар яратилади. Мисол учун, фуқаролар давлат органларига видео алоқа орқали мурожаат қилиши мумкин бўлади. Бунда махсус платформа яратилиб, Халқ қабулхоналарининг маҳаллалар билан самарали алоқалари йўлга қўйилади.

Келгусида фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш тартиби жорий этилади.

Яна бир янгилик, маҳаллалар томонидан ҳал қилинадиган ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг рўйхатини тузиш амалиёти йўлга қўйилишидир. Бунинг учун маҳалланинг алоҳида жамғармасини ташкил этиш ва уни шакллантириш манбаларини белгилаш чоралари кўриляпти.

Эслатиб ўтамиз, «Йўл харитаси» бўйича 2022 йил 15 январга қадар таклифларни билдириш мумкин.

**8 январь - Прокуратура органлари ходимлари куни**

# Халқ манфаатлари йўлида

**Вилоят прокуратураси ўз фаолиятини 1938 йилда бошлаган. Ўша даврда 3 та – махсус ишлар ва милиция органлари, тергов ва қамоқхоналарни ҳамда судлар устидан назорат қилиш бўлимларида 8 нафар ходим фаолият олиб борган.**

Катта авлод вакиллари яхши эслашади, илгари асосий иш қуроли ёзув машинкалари бўлган. Бир неча ўнлаб жилд бўлиб кетадиган жиноят ишлари ва бошқа иш материалларини ёзиш учун тунлар тонгга уланган. Шу маънода ҳаётимизга компьютер техникалари кириб келганда энг кўп хурсанд бўлган прокуратура ходимлари бўлса керак.

Илгари аксарият туман-шаҳар прокуратуралари мослаштирилган биноларда иш юритарди. Четдан келган ходимлар ҳар ким ўзи ижара квартира топиб жойлашган.

Бу борада кейинги йилларда катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Мисол учун, 2018 йилда вилоят прокуратурасига қўшимча бинолар қурилиб, атрофи ободонлаштирилди. Ходимлар учун барча қулайликларга эга спорт зали, ошхона, катта ва кичик мажлислар заллари ишга туширилди.

2014 йилдан буён Қўшработ, Каттақўрғон шаҳар, Ургут, Тойлоқ, Самарқанд, Нуробод, Иштихон, Нарпай, Булунғур, Жомбой ва Қўшработ туман прокуратуралари барча қулайликларга эга замонавий биноларга эга бўлди.

Пайариқ ва Каттақўрғон туман прокуратураларининг бинолари капитал таъмирланди.

Уларда ҳар бир ходимга вазифасига мос шароитли алоҳида хоналар бор. Узоқдан келиб ишловчилар учун шинам меҳмонхоналар мавжуд.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, барча ислоҳотлар, шу жумладан, давлат дастурлари ижросини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 6945 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди ва шу асосда қарийб 2 мингдан ортиқ шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Протест келтириш йўли билан мансабдор шахсларнинг 2367 та ноқонуний ҳужжатлари қонунларга мувофиқлаштирилди. 3364 нафар мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Ўтказилган текширувлар ва жиноятларни тергов қилиш жараёнида 25 миллиард сўмдан ортиқ зарарнинг ундирилиши таъминланган.

Прокурорлар секторида "Ёшлар дафтари" рўйхатига киритилган 18907 нафар йигит-қизлардан 18 687 нафарининг муаммолари ҳал этилиб, дафтардан чиқарилган.

"Аёллар дафтари" рўйхатига киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож 19267 нафар хотин-қизларнинг барча муаммолари ижобий ечим топган.

Шу ўринда яна бир гап. Прокуратура органлари коррупцияга қарши курашнинг энг олдинги сафларида туради. Бировга ақл ўргатиш учун аввало, ибрат бўлиш лозим. Шу боис, бугунги кунда тизимда ходимларнинг энг бирламчи муаммоларини ҳал этишга катта эътибор бериляпти. Мисол учун, ёш ходимларга уй, автомашина олишида имтиёзли кредитлар ажратиляпти. Яхши натижага эришган ходимлар ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантирилиб борилмоқда.

**Ким қилади-я, шугинани-я?**



# Қудуқларнинг ҚОПҚОҒИ ҚАНИ?

Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчасидаги аксарият қудуқларда қопқоқ йўқ.

Бунинг устига қудуқлар чиқинди билан тўлган ва канализация қувурларига шикаст етган.

Бу қудуқларнинг эгаси борми?

Бизнинг суҳбат

# ТУРКИЯДА ҲОКИМ ТАЙЁРЛАЙДИГАН АКАДЕМИЯ БОР



**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташаббуси билан 2021 йил якунида бир гуруҳ давлат хизматчилари бошқарув тизими бўйича малака ошириш мақсадида Туркияда хизмат сафарида бўлди.**
**Юртимиздаги энг ёш ҳокимлардан бири, Нарпай тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Шерзод Раҳмонов ҳам ушбу гуруҳ таркибида қардош давлатдаги маҳаллий бошқарув органлари фаолияти билан танишиб келди.**
**Ш.Раҳмонов билан боғланиб, сафар таассуротлари ҳақида сўрадик.**

– Яхши биласиз, Президентимиз ҳар бир маърузаларида, раҳбарлар ва фаоллар билан учрашувларида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, уни халқчил тузилмага айлантириш бўйича фикрларини билдиряпти, – дейди Ш.Раҳмонов. – Давлат хизматчиларининг касб ва малакаси, аҳоли билан ишлаш кўникмасига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу асосида кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишда, уларнинг малакасини оширишда янги тизим йўлга қўйилмоқда. Президент ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва вилоятларда унинг филиаллари ташкил этилиши бу борада, айниқса, катта қадам бўлди. Туркияга хизмат сафаримиз ҳам мазкур агентлик томонидан давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи давомида берган топшириқлари ҳамда Ўзбекистон-Туркия ҳукуматлараро комиссияси баёнида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Туркия Республикаси Президентининг Инсон ресурслари офиси ҳамкорлигида уюштирилди.

**– Нега айнан Туркияга сафар уюштирилди?**

– Фақатгина Туркия эмас, давлат хизмати тизими ривожланган бошқа мамлакатлар тажрибаси ҳам ўрганилмоқда. Бизнинг гуруҳимиз ушбу мамлакат тажрибаси билан танишди.

Бугунги кунда Туркияда Европа ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибаси асосида давлат хизмати бўйича катта тажриба тўпланган. Яна бир муҳим жиҳат, Туркия барча соҳаларда мамлакатимизнинг асосий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда давлатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Биз Анқара, Истанбул ва Конияда бўлдик, бу ҳудудларнинг бошқарув тизими билан танишдик. Туркия Президенти ҳузуридаги Инсон ресурслари офиси, Ички ишлар вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги фаолияти бўйича маълумотларга эга бўлдик.

Мен туман ҳокимликлари, улардаги бошқарув тизими билан кўпроқ қизиқдим. Туркияда вилоят, туманни бошқариш, яъни бизнинг тушунчамизда ҳоким бўлиш учун олий таълимдан сўнг, Ички ишлар вазирлиги академиясида уч йил таҳсил олиш керак экан. Бошқача айтганда, ҳоким бўлиш учун ўзингиз ўқиб, ўрганишингиз, келажагингизни шу билан боғлашингиз лозим. Ҳокимлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, уларни тайёрлаш иши бўйича Президентга хулоса бериш Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**– Ички ишлар вазирлиги академияси раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича биздаги Президент ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясига ўхшар экан-да...**

– Том маънода шундай. Лекин Туркия акдемиясида юқорида айтганимдек келажакда ҳоким бўлишни ният қилганлар ўқийди. Бизда эса барча соҳалар бўйича раҳбар кадрлар ўқиб, малака ошириши мумкин. Демоқчиманки, Президент академияси қамрови кенгроқ.

Уларда ҳам академияда ўқишга номзоднинг билими, дунёқараши, етакчилик қобилияти ва раҳбарлик учун бошқа зарур хислатлари ҳисобга олинади, белгиланган тартибда синовдан ўтказилади. Уч йиллик ўқиш давомида назарий билимлар билан бирга амалиёт ҳам чуқур ўргатилади. Яъни, шу даврда, масалан, икки йиллик ўқишдан кейин ҳокимликка бўлажак номзод уч ой бирор бир туманга бориб, амалдаги ҳоким билан бирга, дублёр сингари ишлайди, кейин яна уч ой вилоят ҳокими билан фаолият олиб боради. Бундан ташқари, ўн ойгача Европа ва Болтиқбўйи давлатларига тажриба ўрганиш учун юборилади.

Уч йиллик ўқиш ва амалиётдан кейин талабанинг билими, эгаллаган кўникмаси яна синовдан ўтказилади. Бу жараёнда энг юқори балл тўплаганлар 900 дан ортиқ тумандаги вакант ҳоким лавозимларидан бирини ўзи танлаб, ўша ерда иш бошлайди. Бошқалар эса қуръа ташлаш йўли билан вакант ҳокимлик лавозимларида ишлаш учун юборилади.

Туркияда ҳокимлик ваколат муддати уч йил экан. Уч йилдан сўнг улар Ички ишлар вазирлиги тавсияси асосида Президент томонидан вилоят ҳокимига ўринбосар, ёрдамчи ёки бошқа туманга раҳбарликка юборилади. Айримлари ўз иш жойида қолдирилиши ҳам мумкин.

**– Раҳбарликка тайинлашда номзодларнинг ёши, тажрибаси ҳам инобатга олинар эканми?**

– Биздаги каби демоқчисиз-да. Туркиялик ҳамкасбларимиз ҳам айнан шу масалага қизиқишди ва турли соҳаларда ишлаб, бошқарув бўйича малака ва тажрибага эга бўлган раҳбарларнинг ҳокимликка тайинланишини яхши қабул қилишди. Лекин уларда юқорида айтганимдек, академияни битирганидан сўнг билимига қараб ҳокимликка тайинлашади. Ёш, тажриба муҳим эмас. Туманлар раҳбарлари орасида ўттиз ёшга тўлмаганлари ҳам бор. Аммо Туркияда ҳокимлар ўзи раҳбарлик қилаётган ҳудуд аҳолиси сонига қараб беш даражага бўлинар экан. Энг кам аҳоли яшайдиган туманлар ҳокимлари бешинчи даражали ҳисобланса, энг кўпи биринчи даражага эга бўлади. Уларга иш ҳақи тўлашда даражаси ва тажрибаси ҳисобга олинади. Ҳокимлик аппарати ходимлари ҳам аҳоли сони ва ҳудуднинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрнига қараб турлича бўлиши мумкин.

**– Давлат хизмати бўйича яна қандай ижобий тажрибалар сизга маъқул келди?**

– Эътиборимни тортган томонлардан бири, мамлакатда давлат органлари ходимлари тўғрисидаги электрон база мавжудлиги бўлди. Айтишларича, улар бу тизимни уч йил давомида яратишибди. Унда мамлакатдаги 852 мингдан ортиқ давлат хизматчиси ҳақида маълумот мавжуд экан. Ушбу базадан ҳар бир ходимнинг иш фаолияти тўғрисида барча маълумотларни олиш мумкин.

Яна бир яхши тажриба – давлат хизматчилари учун онлайн малака ошириш тизими йўлга қўйилган. Ҳар бир бошқарув органи ходими ушбу платформа орқали билимларини мустаҳкамлаши мумкин. Кимнинг қачон ва қанча вақт давомида бу тизимдан фойдаланганлари, қайси мавзуларни ўрганганлари электрон тарзда қайд этиб борилади. Демоқчиманки, бошқа юмушлар билан банд бўла туриб, онлайн ўқишда эдим ёки малака оширдим, деб айтиб бўлмайди.

Умуман, хизмат сафаримиз давомида кўрганларимиз, танишганларимиз асосида ўз таклиф ва хулосаларимизни Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига ёзиб бердик. Ўзимиз ҳам иш фаолиятимиз учун фойдали маълумот ва иш услубларини ўргандик. Бундай тажриба алмашувлар албатта, мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини бугунги кун талабидан келиб чиқиб такомиллаштириш, давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Ғолиб ҲАСАНОВ суҳбатлашди.**

Пайариқ тумани ҳокимлиги ва қишлоқ хўжалиги соҳаси раҳбарлари эътиборига!

**Икки ойдан буён бизни ана шу савол қийнайди. Қийнаса, майли, аммо ишимиз олдинга кетмаётгани, бугун деҳқончилик ишларини бажариш ўрнига папка қўлтиқлаб, у идорадан-бу идорага чопаётганимиз алам қилади.**

# ФЕРМЕР кластерни танлайдими ёки кластер фермерни?

Гап шундаки, биз, Пайариқ туманининг Челак ҳудудида жойлашган юздан зиёд фермер хўжаликлари 2020 йилда туманимиздаги "Пайариқ кластер" масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузиб, ғалла, пахта хом ашёсини етказиб бердик. Бироқ кластер томонидан фермерларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмади. Жумладан, кейинги 2-3 ойда ерни шудгорлаш учун ёқилғи, минерал ўғит, фермер хўжаликларининг техникалари учун эҳтиёт қисмлар етказиб берилиши юзасидан ёрдам берилмади. Ҳатто, топширилган пахта ҳосили учун пул маблағлари ҳам тўланмади, фермерлар барча харажатларни ўзларининг ҳисобидан амалга оширди. Хўш, бундай муносабатдан кейин фермер нима қилиши керак?

Албатта, ўзига қулай бўлган бошқа, фойдали йўлларни, жумладан, ҳамкор қидиришига мажбур бўлади. Айни ўша кунлари, яъни 2021 йил 16 ноябрда Президентимизнинг "Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда бир ҳудудда (Қорақалпоғистон Республикаси ёки тегишли вилоят) барча пахта-тўқимачилик кластерларига фермер хўжаликлари билан шартнома асосида фаолият юритишига ва фермер хўжаликларига ушбу кластерлар билан пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича ихтиёрий равишда фьючерс шартномаларини тузишга рухсат берилиши белгиланди. Шунга асосан ҳудудимиздаги 103 та фермер хўжалиги 2022 йил пахта хомашёси етказиб бериш учун Каттақўрғон туманидаги "Каттақўрғон кластер" масъулияти чекланган жамияти билан тегишли тартибда шартнома тузди. Шартномага кўра, ёқилғи, минерал ўғит ва техникаларимиз учун эҳтиёт қисмлар олдик. Натижада ерга минерал ўғит солиб, шудгорлаш ишларини якунладик.

Ер майдонимиз Пайариқ туманида бўлганлиги боис бизнинг "Каттақўрғон кластер" МЧЖ билан тузган шартномаларимиз Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши Пайариқ тумани бўлимининг ҳуқуқий масалалар ва шартномавий муносабатлар гуруҳи ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим экан. Биз шартномаларни рўйхатда ўтказиш учун уларга мурожаат қилдик. Бироқ гуруҳ ва бўлим мутасаддилари турли баҳоналар билан ҳужжатларимизни қайтариб юборди. Жумладан, "Каттақўрғон кластер" МЧЖни Пайариқ туманига кўчириш ёки ушбу корхона филиалини туманимиз ҳудудида ташкил этиш зарурлиги, бироқ бу борада "Каттақўрғон кластер"нинг мансабдор шахслари туман ҳокимлигига мурожаат қилмаганлигини рўкач қилишди.

Шундан сўнг Пайариқ тумани ҳокимига мурожаат қилдик. Ҳоким бунга қарши эмаслиги, фақат туманда фаолият кўрсатиб келаётган хоҳлаган (туманда 2 та кластер корхонаси фаолият юритади) кластер корхонаси билан ихтиёрий равишда шартнома тузиб, ҳамкорликда ишлаш мумкинлигини билдирувчи жавоб хати берди. Шунингдек, вилоят адлия ва қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туман прокуратураси ҳам 2022 йил ҳосили учун пахта хомашёси етиштириш бўйича вилоятдаги хоҳлаган кластер корхонаси билан шартнома тузиб, фаолият юритиш мумкинлиги ҳақида жавоб хати йўллади.

Қоғозларда ҳаммаси қонунга мос, силлиқ. Бироқ амалда ҳамон "Отангга бор, онангга бор" қабилида иш тутиляпти. "Каттақўрғон кластер" МЧЖ раҳбарлари биз, фермерлар билан бирга туман ҳокимлиги, масъуллари билан бир неча бор учрашди. Шундан сўнг ҳудудимиздаги фермер хўжаликларга яқин учта манзилда ўз хизмат кўрсатиш масканларини ташкил этди. Шу ердан минерал ўғит, техникаларимиз учун эҳтиёт қисм олдик. Айни пайтда ҳар гектар ерга 5 тоннадан маҳаллий ўғит солишимизга кўмак беряпти.

Шу билан бирга "Каттақўрғон кластер" МЧЖ ғўза қатор ораларига ишлов берувчи техникалар олишимиз ва артезиан қудуқлар ковлашимиз учун маблағ ажратишни кўзда тутган. Албатта, булар уларга етказиб берадиган пахта хомашёмиз эвазига. Лекин гап ушбу маблағнинг ҳозирдан ажратилаётгани, бунинг натижасида ерларимиз ҳосилдор бўлаётгани, қишлоқ хўжалиги ишларини вақтида бажариш имкониятимиз кенгаётганида.

Энди ўзингиз холис гапни айтинг: бундан ким наф кўради? Аввало, туман иқтисодиёти, фермерлар, бу хўжаликларда ишлаётган туманимиз аҳолиси эмасми? Ерларимиз ҳосилдор бўлса, суғориш учун артезианимиз бўлса, маҳсулот мўл бўлмайдими? Ваҳоланки, ғалла етказиб бериш бўйича Пайариқдаги кластер корхоналари билан ҳамкорлик қилаётганимизни эътиборга олсак, бу ҳам туманимиз учун ҳар томонлама фойдали. Мутасаддилар ана шу жиҳатларга эътибор қаратган ҳолда бизнинг биргина илтимосимизга тўғри муносабатда бўлишса, яхши бўларди. Сўраётган илтимосимиз эса битта: Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши Пайариқ тумани бўлимининг ҳуқуқий масалалар ва шартномавий муносабатлар гуруҳи ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлими "Каттақўрғон кластер" МЧЖ ўртасида тузилган шартномаларимизни рўйхатдан ўтказишса бас. Муҳими, бу қонунга асло зид эмас.

**Фарҳод САЙДИЕВ,**
**Пайариқ туманидаги "Давлатбек нурли замин" фермер хўжалиги бошлиғи.**

Матбуот анжумани

**Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2021 йилда жами 29 129 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш белгиланганди. Жумладан, 19 146 гектарда томчилатиб, 183 гектарда ёмғирлатиб ва 9800 гектар майдон лазерли ускуналар ёрдамида текисланиши кўзда тутилганди. Қарор ижроси юзасидан вилоятдаги 445 та кластер корхонаси ва фермер хўжаликлари томонидан 35 571 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди.**




Бу ҳақда Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар ва 2022 йилги режаларга бағишланган матбуот анжуманида бошқарма бошлиғи Даврон Очилов маълумот берди.

Рақамларга қарайдиган бўлсак, ўтган йилда 20 156 гектар ғўза, боғ, ток ва бошқа қишлоқ хўжалик экин майдонларида сув тежовчи технологияларнинг қурилиш-монтаж ишлари учун 481 миллиард 17 миллион сўм маблағ ўзлаштирилган. Жумладан, тижорат банкларининг 330 миллиард 634 миллион сўм имтиёзли кредитлари, кластер корхоналари ва фермер хўжаликларининг 150 миллиард сўм маблағи йўналтирилган.

- Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида сувни тежайдиган технологияни жорий этиш учун 5513 гектар пахта майдонига 43 миллиард сўм, 2287 гектар боғ, ток ва бошқа экин майдонлари учун 21 миллиард 298 миллион сўм субсидия маблағи ажратилди, - дейди Д.Очилов. – 1011 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш технологияси учун 7 миллиард 860 миллион сўм субсидия берилди. Натижада 2021 йилда вилоят бўйича 202 миллион куб метр сув тежалди.

Жорий йилда ҳам 19,5 минг гектар майдон томчилатиб, 3,5 минг гектар майдон ёмғирлатиб суғорилади.

**Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

Онлайн савдо

# ИНТЕРНЕТ ХАРИД: ЧИРОЙЛИ СУРАТЛАР ЯХШИ СИФАТ ДЕГАНИ ЭМАС



**Бугун интернет дўкондан кийим-кечакдан озиқ-овқат ва маиший техника воситаларигача харид қилишингиз мумкин. Тўғри, аввалига онлайн дўконларга бироз хавфсираб қарадик, буюртма қилишдан аввал минг бор ўйлаб, маслаҳатлашдик.**

Шу соҳада муваффақиятга эришмоқчи, даромад топмоқчи бўлган ишбилармонлар табиийки, сотиш усулига эътибор бермайди. Дўконда ўтириб сотадими ёки интернет орқали мижозга маҳсулот етказиб берадими - фарқи йўқ. Барчага бирдай муносабатда бўлади ва ҳар қандай ҳолатда ҳам мижознинг ҳурматини жойига қўяди. Бугун шу каби онлайн дўконлар анча муваффақиятга эришди.

Табиийки, буёғи мижознинг дидига, танловига боғлиқ. Кўпчилик учун интернет орқали маҳсулот буюртма бериш ҳанузгача ақл бовар қилмайдиган ҳолат. «Ахир олаётган маҳсулотингизни ушлаб, кийиб кўрмасдан қандай олиш мумкин?», дейишади улар. Аммо яна шундай қатлам пайдо бўлдики, улар учун ўзи танлаган нарса уйига етиб келиши замонавий қулайлик, ҳатто эҳтиёжга айланиб улгурган.

- Пойтахтдаги чинни идишлар сотиладиган дўконларда доим янги маҳсулотлар бўлиши ҳақида эшитардим, - дейди самарқандлик Феруза Мардонова. – Аммо ҳар сафар йўлкира сарфлаб, у ердан ўзим истаган идишларни кўтариб келишга имкон бўлмасди. Ўша дўконларда онлайн хизмат ҳам пайдо бўлгач, истаган пайти буюртма бераман. Муҳими, йўлкира учун пул олишмайди, маҳсулот дўкондаги нархда бошқа вилоятга етказиб берилмоқда. Шу томонлама мен учун онлайн дўконларнинг пайдо бўлгани жуда қулай.

Эндиликда бошқа соҳа эгалари сингари савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳам замон билан ҳамнафас иш кўраётир.

- Онлайн савдо дўконлари анъанавий тарзда фаолият олиб борувчи тадбиркорларга аввалига рақобатчидай бўлди, - дейди тадбиркор Латофат Сатторова. - Аммо биз дарҳол янгича ишлашимиз кераклигини англаган ҳолда ижтимоий тармоқларда ўз саҳифамизни очдик, маҳсулотларимизни намойиш эта бошладик. Бу ўзимиз учун ҳам жуда фойдали эканлигини сездик. Тўғри, бу қўшимча иш, маблағ, дегани. Аммо бугунги бозорни ҳисобга олиш, аҳолининг талабларига кўра иш кўриш фақат ўзимизга фойда. Интернет дўконлардаги кийимлар махсус эффектлар орқали чиройли кўринишга эга бўлиши орқали сифати унчалик яхши бўлмаса-да, унга қизиқувчилар сонининг ошишига сабаб бўлди. Лекин вақт ўтиб, мижоз бу ҳолатни англаб, чиройли суратларга алданиб қолмасликни ўрганаётир.

Ҳақиқатан ҳам ёшлар орасида фақат интернет орқалигина харид қилаётган қатлам пайдо бўлаётгани тадбиркорларнинг замонга мос ишлаши кераклигини тақозо этмоқда. Аммо бу имкониятдан фойдаланиб, фирибгарлик қилаётган, сифати паст маҳсулотни жўнатиш ёки пулни қайтариб бермаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Қизиғи, фақатгина онлайн савдо билан машғул аксарият дўкондаги кийим-кечаклар бозордагидан арзон ва суратда ҳам жуда чиройли. Афсуски, маҳсулот қўлга текканда гарчи, харидор ўзи буюртма қилган маҳсулотини харид қилганини тан олса-да, аммо бундай сифатни кутмаган бўлади. Шунинг учун кимнидир айблаб, мурожаат қилишнинг ҳам иложини тополмайди. Сабаби, махсус эффектлар ва ўзига хос услублар билан суратдаги либос, ҳақиқийсидан анчагина фарқ қилганини уни қўлингизга олгандагина биласиз. Онлайн-дўконлар иш бошлаганда бундай ҳолатга чув тушганлар сони кўп эди, бугун харидор ҳам бу жараённи тушунган ҳолда буюртма бераётгани одамларнинг ишончини суиистеъмол қилаётган онлайн савдо дўконлар фаолиятига ўз-ўзидан чек қўймоқда. Аммо фирибгарлик ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Айнан шу масалада ички ишлар идораларига уч нафар шахснинг мурожаат қилгани ҳақида маълумот олдик. Унга кўра, ушбу харидорларнинг ҳуқуқи тикланган.

Интернет дўконлар фаолиятини тартибга солишда бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар баробари Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни ҳам амалда. Ушбу қонунга кўра, электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс товарлар (ишлар, хизматлар) харидорига:

- юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолдаги тўлиқ номини ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, почта ва электрон манзилини ҳамда ўзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотларни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензияси борлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборотни тақдим этиши ёхуд унинг бундай ахборотдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаши шарт.

Қонун ҳужжатларида электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборотга нисбатан бошқа талаблар ҳам белгиланиши мумкин.

Шундай бўлишига қарамай, мўъжизавий хусусиятларга эга, дея фалон сўмга пулланаётган турли дори-дармонлар, усти ялтироқ, аммо сифатсиз кийим-кечакларни олиб, интернет-дўкондан норози бўлаётганлар ҳам кўп учраб турибди.

Шундай экан, ўтирган жойингизда харидни амалга оширишингиз нечоғлик қулай бўлмасин, аввал интернет-дўконларни обдон «кезиб» чиқишингиз фойдадан холи бўлмайди.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

# TOG‘CHINOQda o‘qituvchilar MING DOLLAR oylik olyapti(mi?)



**Bir kelib keting qishlog‘imizga**

**Bu galgi ijodiy safarimiz Kattaqo‘rg‘on tumani Jizmonsoy mahallasiga bo‘ldi. Tog‘lar orasida joylashgan qishloqlarda, qariyb 10 million so‘m oylik olayotgan o‘qituvchilar hayoti, ularga yaratilgan sharoitlar bilan qiziqdik. Safarimiz chog‘ida avvalo, olis qishloq Tog‘chinoqqa borishni maqsad qilib, yo‘lga otlandik.**

**KICHIK MAKTABNING KATTA YUTUG‘I BOR. MUAMMOSI-CHI?**

Mahalla hududiga kiraverishimizda hovlisida yam-yashil archalar o‘sib turgan maktab e’tiborimizni tortdi. Bu ta’lim muassasasiga kirish rejamizda yo‘q edi, ammo to‘xtashga qaror qildik. Maktab kichik bo‘lsa-da, bitiruvchilari oliy o‘quv yurtlariga kirish ko‘rsatkichi bo‘yicha tumanda yuqori o‘rinda ekan.

- 2019-2020-o‘quv yilida bitiruvchilarimizning 46 foizi oliy o‘quv yurtlariga o‘qishga kirdi va tumanda bu ko‘rsatkich bo‘yicha birinchi o‘rinda edik, – deydi maktab direktori Asad Abdurahimov. – O‘tgan o‘quv yilida bitiruvchi sinf o‘quvchilarimiz kamligi sabab, ular qo‘shni maktabda ta’lim oldi. Joriy o‘quv yilida bu boradagi ko‘rsatkichimizni 70-80 foizga oshirishni rejalashtirganmiz. O‘quvchilarimiz fan olimpiadalarida ham yuqori natijalarga erishyapti. Maktabimiz 96 o‘rinli bo‘lib, bugungi kunda 195 nafar o‘quvchi ta’lim olyapti. To‘g‘risini aytish kerak, sinfxonalar yetishmaydi. Bu muammoni tumanimiz hokimi o‘rganib, 2022-yilda qo‘shimcha 6 ta sinfxona qurib berilishini aytdi.

**MAHALLA MARKAZIDA MASHINANI ALMASHTIRDIK**

Jizmonsoy mahallasi markazida ham to‘xtashga majbur bo‘ldik. Sababi Tog‘chinoqqa borish uchun tog‘ yo‘llariga chidamli mashina va malakali haydovchi kerak bo‘lar ekan. Faqat mototsikl yoki “Niva” avtomashinalari qatnaydigan yo‘llarda haydovchisi tajribali bo‘lsa, “Damas” ham yurarkan.

Xullas, mahalla markazidan “Damas”ga o‘tirib, “Tog‘chinoq qaydasan”, deb 12 kilometr masofani bir soatda bosib o‘tdik, desam ishonavering! Bu yo‘lda buloqdan suv ichganimiz, yilqilarni suratga olganimiz, tog‘ning tepasiga chiqib, Nurota va Qo‘shrabot tumanlariga qarashli qishloqlarni tomosha qilganimizga ketgan vaqtdan tashqari.

- Biz turgan joy uch tuman chegarasi, - dedi bizga hamrohlik qilayotgan tuman xalq ta’limi bo‘limi metodisti Sarvar Toirov. – O‘ng tomondagi qishloq Navoiy viloyati Nurota tumaniga, chap tarafdagisi esa Qo‘shrabot tumaniga qarashli. Qarshimizda Tog‘chinoq.

**O‘QUVCHILAR UCHUN TO‘GARAKLAR**

Tog‘chinoqda yashash, bu yerda joylashgan 81-maktabda o‘qituvchi bo‘lib ishlashning o‘ziga yarasha qiyinchiliklari va shu bilan birga zavqi bor. Olis hududda joylashgan maktabga boshqa viloyatlardan - Navoiydan uch nafar, Andijon va Farg‘onadan bir nafardan o‘qituvchi kelib, qishloq bolalariga saboq beryapti.

- Navoiy viloyati Xatirchi tumanidan kelganman, - deydi oliy toifali matematika fani o‘qituvchisi G‘ayrat Safarov. – Bu yerda 9 million so‘mga yaqin oylik olyapman. O‘quvchilar uchun qo‘shimcha to‘garaklar tashkil qilganman. Bundan tashqari, o‘tgan yillarda maktabni bitirib, o‘qishga kirolmagan yoshlarga repetitorlik ham qilyapman.

**O‘QUVCHILIKDAN HAM OYIGA MING DOLLAR TOPSA BO‘LARKAN**

Andijon viloyatining Ulug‘nor tumanidan kelgan Oyshaxon Ermatova shu maktabda ona tili va adabiyot fanidan dars beradi.

- Yo‘lini hisobga olmasa, bu qishloqda yashashning gashti boshqacha, - deydi muallima. – Odamlari samimiy. O‘quvchilari ilmga chanqoq. Xotirasi kuchli. Bu yerda telefon aloqasi bo‘lmagani ham ular uchun qo‘l kelarkan. Ammo shunday chekka qishloqdagi maktabga internet tarmog‘i tortilganiga qoyil qoldim. Prezidentimiz o‘qituvchilar oyligi ming dollar bo‘ladi deganda, ko‘pchilik ishonmagandi. Mana, biz qariyb 10 million so‘m oylik olyapmiz. Maqsadim juda katta. Birinchi navbatda, menga bildirilgan ishonchni oqlab, maktab bitiruvchilarining kamida 80-90 foizining talaba bo‘lishiga ko‘maklashish. Shuningdek, olis hududda, ammo O‘zbekistonimizdan chiqmasdan turib, o‘qituvchilik qilib, peshona terim bilan topayotgan daromadimdan ro‘zg‘orimizni but qilishni niyat qilganman.

**“HAYOTNING ERGANAGI” NIMA?**

Muallima Oyshaxon Ermatova olis hududda ishlash uchun yolg‘iz kelmagan, o‘g‘li Muhammadjon u bilan birga.

- Ayam bilan shu qishloqqa kelib yashayapman, - deydi u. – Boshida bu yerliklarning shevasiga tushunishim qiyin bo‘ldi. Masalan, “Hayotding erganagini jovib ke”, degan gapga. Keyinchalik o‘rgana boshladim. To‘g‘risi, lug‘at daftar tutdim. Hayot – tomorqa. Erganak – darcha, eshik. Jovmoq – yopmoq. Shappat – qiyalik. Jo‘l – yo‘l. Ko‘na – eski, ko‘hna.

**“BULOQ SUVIDAN ICHYAPMIZ”**

Maktabda boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga farg‘onalik Gulnoza Mamadaliyeva ustozlik qilyapti. U bu yerga oilasi bilan birga kelgan. Turmush o‘rtog‘i haydovchilik bilan shug‘ullanadi.

- Boshida biroz qiynaldim, - deydi G.Mamadaliyeva. – Birinchi sinfga kelgan o‘quvchilarimdan hech biri bog‘chaga bormagan. Aksariyati ruchka ushlashni bilmaydi. Ayrimlari bironta ham she’r yodlamagan. Ammo sekin-asta o‘rgatdim. 4 yil davomida bu o‘quvchilarimga boshlang‘ich ta’lim berishda bor kuchimni ayamayman. Buning uchun bizga zarur sharoit yaratilgan. Yashayotgan uyimizda shu qishloq imkoniyati darajasida qulayliklar bor. Tabiiy yoki suyultirilgan gaz bu yerlarga yetib kelmagan, albatta. Shuning uchun o‘tin yoqyapmiz. Asosiysi, elektr energiyasi bor. Menga eng yoqqan tomoni qishloqning havosi toza, tabiati go‘zal. Buloq suvidan ichyapmiz. Tinch va osuda tog‘lar orasida yashash juda zavqli ekan.

**JASORATLI O‘QITUVCHILARGA RAHMAT!**

Mamlakatimizning turli viloyatlaridan Tog‘chinoqqa kelib dars berayotgan fidoyi o‘qituvchilardan qishloq aholisi minnatdor.

- Shu maktabda 40 yil o‘qituvchilik qilib, pensiyaga chiqqanman, - deydi tog‘chinoqlik nuroniy Qurbonqul Mahmudov. – Malakali mutaxassislarning yetishmasligi sababli maktabimizda ta’lim sifati susaydi. Ammo qishlog‘imizga boshqa viloyatlardan tajribali o‘qituvchilar jalb qilingach, vaziyat o‘zgaryapti. Ular o‘quvchilarimizga bor bilimlarini beryapti. Buning uchun minnatdormiz. O‘ylaymizki, bu ustozlardan maktabda faoliyat olib borayotgan o‘qituvchilar ham o‘rnak oladi. O‘tgan o‘quv yili yakuni bo‘yicha “qizil” maktab bo‘lgan bu ta’lim maskani tez orada “yashil”ga aylanadi.



**OLIS HUDUDLARDA TA’LIM SIFATI OSHMOQDA**

Kattaqo‘rg‘on tumanining olis hududida joylashgan ikki mahalla maktablariga boshqa viloyatlardan 13 nafar malakali mutaxassis taklif etilgan.

- Tumanimizning chekka hududi – Bunyodkor mahallasidagi 45-maktabga vodiy viloyatlaridan 2 nafar, Navoiy viloyatidan 1 nafar o‘qituvchi jalb qilingan, - deydi tuman xalq ta’limi bo‘limi kadrlar bo‘yicha inspektori Navro‘z Qodirov. – Jizmonsoy mahallasidagi 3 ta maktabda esa boshqa viloyatlardan kelib dars berayotgan muallimlar 10 nafarni tashkil etadi. Ular uchun imkon qadar turmush va ish sharoitlari yaratib berilgan.

Tog‘chinoqdan qaytayotganimizda quyosh bota boshlagandi. Bu qishloq tog‘ining turli shakldagi xarsangtoshlari, ularni o‘yib chiqqan o‘simliklar, tog‘liklarning qurtovasi, sho‘rtobasi va undan tayyorlanadigan o‘ziga xos taomlar, qolaversa, mahalladagi tarixiy obidalar, zilol chashmalar haqida yana lavhalar tayyorlashni niyat qildik.

**To‘lqin SIDDIQOV,**
**Baxtiyor MUSTANOV.**

**Xalqaro imtihon tizimlarini respublikamizda joriy etish orqali yoshlarga O‘zbekistonning o‘zida xalqaro imtihonlarni topshirish va sertifikatlarga ega bo‘lish imkoniyatini yaratish maqsadida Davlat test markazi bir nechta xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikni yo‘lga qo‘yib kelmoqda.**

# DTM orqali TOEFL ITP imtihonini topshirsa bo‘ladimi?



Ana shunday hamkorliklardan biri test savollarini tuzish va test sinovlarini o‘tkazish bo‘yicha dunyodagi eng yirik tashkilotlardan biri bo‘lgan AQSHning Educational Testing Servise (ETS) tashkiloti bilan yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, Davlat test markazi TOEFL ITP imtihonlarini tashkil etish va o‘tkazish huquqini qo‘lga kiritgan.

Unga ko‘ra, DTM tomonidan o‘tkaziladigan TOEFL ITP imtihonlari xalqaro miqyosda tan olinadi hamda imtihondan muvaffaqiyatli o‘tgan talabgorlarga ITP tashkilotining xalqaro sertifikati beriladi.

TOEFL ITP test sinovlari Davlat test markazi huzuridagi ilmiy-o‘quv amaliy markazi tomonidan har oyda o‘tkaziladi.

Test sinovi uchun to‘lov bazaviy hisoblash miqdorining 3,5 baravarini tashkil qiladi.

TOEFL ITP (Test of English as a Foreign Language) – 14 yoshdan boshlab ona tili ingliz tili bo‘lmagan o‘quvchi, abiturient, talaba, magistrant va boshqa mutaxassislarning ingliz tilini bilish darajasini baholovchi xalqaro test sinovidir. TOEFL ITP testi talabgorlarning ingliz tilini bilish darajasini tez, qulay, ob’yektiv va ishonchli baholash imkoniyatini beradi.

Test sinovi onlayn o‘tkaziladi va talabgor sinov yakunlanishi bilan o‘z natijasini bilib oladi.

TOEFL ITP test sinovida tilni bilish darajasi quyidagi uch ko‘nikma bo‘yicha baholanadi:

- tinglab tushunish – umumta’lim maktablari va oliy o‘quv yurtlarida ishlatiladigan og‘zaki ingliz tilining tinglash qobiliyatini baholaydi.
- tilning tuzilishi va yozilishi – ingliz yozuvidagi ba’zi tizimli va grammatik muammolarni aniqlash qobiliyatini baholaydi.
- o‘qish – haqiqiy akademik o‘qish materiallarini o‘qib tushunish qobiliyatini baholaydi.

Test sinovida jami 140 ta test topshirig‘i beriladi va ularni bajarish uchun 1 soat 55 daqiqa vaqt ajratiladi.

Talabgorlar test sinovida ishtirok etish uchun Davlat test markazining my.dtm.uz platformasi orqali ro‘yxatdan o‘tishi mumkin.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 19-maydagi PQ-5117-son qaroriga binoan SEFR shkalasi bo‘yicha S1 darajaga to‘g‘ri keluvchi TOEFL ITP sertifikatiga ega bo‘lgan ta’lim muassasalarining xorijiy tillar o‘qituvchilariga ularning bazaviy tarif stavkasiga nisbatan har oylik 50 foiz miqdorida qo‘shimcha ustama berilishi belgilangan.

**Samariddin SUYUNOV,**
**Davlat test markazi viloyat bo‘limi yetakchi mutaxassisi.**

**REKLAMA, E’LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e‘lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасида марҳум Гуляшев Хайритдинга (2000 йил 19 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Амир Темур кўчаси, 48-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Курбанова Сайёра Меликовнага (2020 йил 15 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Хайдаров Сирожиддинга (2005 йил 27 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Юлдашев Абдуваит Қаршиевичга (2019 йил 30 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Умид Рустамович нотариал идорасида марҳум Хидиров Мамарозик Гулямовичга (2021 йил 21 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Умид Рустамович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Туркистон кўчаси, 62-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Холжигитов Холиқга (2018 йил 2 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Самадов Жумага (2014 йил 17 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Каримов Илхом Ибрагимовичга (2019 йил 6 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасида марҳум Усманов Супонкулга (2010 йил 31 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тойлоқ туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Жаҳонгиров Иброҳим Ўринбой ўғли номига берилган U № 4304456 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон педагогика коллежидан 2015 йилда Қулматова Умида Дустмамат қизи номига берилган рўйхат рақами 75, К № 3818299 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Сатторов Хамид Хуррамович ва Хуррамов Собитжон Ҳамид ўғли ўртасида 2021 йил 30 сентябрда давлат рақами 30 Z 285 AA бўлган «Нексия» автомашинаси учун тузилган, Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасида тасдиқланиб, 2203 рақам билан реестрга киритилган автотранспорт воситасининг олди-сотди шартномасининг нусхалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2016 йилда Оманов Холиқул Абдихошим ўғли номига берилган рўйхат рақами 13, К № 4282652 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**“KO’CHMAS MULK SAVDO XIZMATI”**

**масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ электрон онлайн аукцион савдоларига таклиф этади!**

Очиқ электрон онлайн аукцион савдосига АТИБ “Ипотека банк” Кўксарой филиалининг 2021 йил 29 декабрдаги 04/2990-сонли буюртманомасига асосан Самарқанд вилояти Паст Дарғом тумани, Боғишамол МФЙда жойлашган, фойдаланишдаги умумий майдони 466000 м.кв., фойдали майдони 295800 м.кв. бўлган **“Сунъий балиқ ҳовузи”** иншоотлари ва Самарқанд вилояти Паст Дарғом тумани, Боғишамол МФЙ, Дамхўжа қишлоғида жойлашган, фойдаланишдаги умумий майдони 1000075 м.кв., фойдали майдони 634900 м.кв. бўлган **“Дамхўжа балиқ уруғчилик хўжалиги”** иншоотлари жами 3 031 000 000 (уч миллиард ўттиз бир миллион) сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Очиқ электрон онлайн аукцион савдоси **2022 йил 10 февраль** куни соат 12:00 да **www.auksionsavdo.uz** электрон онлайн савдо платформасида бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулк билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Очиқ электрон онлайн аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар **www.auksionsavdo.uz** электрон онлайн савдо платформасида қабул қилинади.

Ушбу мулкларнинг очиқ электрон онлайн аукцион савдоси 2022 йил 10 февраль куни бўлиб ўтмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2022 йил 17, 24 февраль, 3 ва 10 март кунлари соат 12:00 да **www.auksionsavdo.uz** электрон онлайн савдо платформасида бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 10:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Очиқ электрон онлайн аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 2 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТИБ “Ипотека банк” Кўксарой филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Очиқ электрон онлайн аукцион савдосида иштирок этиш учун талабномалар **www.auksionsavdo.uz** электрон онлайн савдо платформасида қабул қилинади.

**Телефон/факс: +99866-233-80-13. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.auksionsavdo.uz**

*Хизматлар лицензияланган.*

Самарқанд шаҳридаги 30-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Бобакулов Алишер Абдурахмонжонович номига берилган U № 0562808 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 91-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Файзуллаев Шохбоз Хуршид ўғли номига берилган UM № 0154103 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 42-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Дўстмуҳамматов Умид Озод ўғли номига берилган UM № 0141417 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2008 йилда Жанхўразова Дилфуза Абдураззоковна номига берилган рўйхат рақами 595, В № 402414 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ қишлоқ хўжалик ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2016 йилда Сайфиев Даврон Ҳусан ўғли номига берилган рўйхат рақами 72, К № 4263503 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд туман кенгаши тасарруфидаги ўқув-спорт техника клубининг (СТИР: 205758036) бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сотувчи Заитов Хасан Мардонович ҳамда сотиб олувчи Раҳимов Ибрагим Аминжановичлар ўртасида Самарқанд шаҳри «Самарқанд Сиёб савдо» унитар корхонаси ҳудудида жойлашган 1 хонадан иборат савдо дўкони биноси (ер майдонисиз) учун «Best realtor» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали воситачилигида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш натижасида 2019 йил 24 декабрда тузилган 155-сонли савдо баённомаси ҳамда мазкур баённома асосида 2019 йил 24 декабрда тузилган олди-сотди шартномасининг сотиб олувчидаги нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 23-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Ғапурова Озодахон Фурқат қизи номига берилган UM № 0137761 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университети академик лицейидан 2019 йилда Эркинов Мақсуд Кубай ўғли номига берилган рўйхат рақами 207, L № 365279 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 5-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Толибов Давлатшох Алиевич номига берилган UM № 0983532 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 20-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Боватова Дурдона Фозиловна номига берилган UM № 0519043 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 20-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Суннатова Мухлиса Асомутдиновна номига берилган UM № 0519055 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «WESTA-BB» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306571457) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 1-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Қурбонова Севара Ёкубжон қизи номига берилган UM № 0279264 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Абдулложонов Мансур Давронович номига берилган U № 4245375 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ!**

«Зарафшон» газетасининг 2021 йил 8 декабрь 124-сони 4-саҳифасида «БЕКОР ҚИЛИНАДИ» сарлавҳаси остида Самарқанд педагогика билим юртидан 2003 йилда Асроркулова Мадина Аброржоновна номига берилган рўйхат рақами 1512, Т № 161948 рақамли диплом ва унинг иловаси ҳамда Самарқанд давлат университетидан 2009 йилда Асроркулова Мадина Аброржоновна номига берилган рўйхат рақами 2027, В № 463473 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилганди. Дипломлар топилганлиги сабабли ушбу эълонлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Самарқанд вилояти Нуронийлар жамоатчилик кенгаши жамоаси Паст Дарғом тумани Нуронийлар жамоатчилик кенгаши раиси **Санақул бобо ХУРСАНДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат университети биология факультети жамоаси зоология кафедраси доценти Эркин Абдуллаевга ўғли **Олим АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

▶▶ Биласизми?

# МИНОРАЛАР нима мақсадда ҚУРИЛГАН?



**Минора – ислом архитектурасида минор (айлана, тўртбурчак, кўпқирра) бўлиб, унда имом азон айтган. Минора масжид ёнига қурилган ёки унинг композициясига қўшилган. Одатда, миноралар ичида айлана зинапоялари бўлади. Масжид бир минорали ёки минорасиз бўлиши ҳам мумкин. Истанбулнинг Султонлар масжидида тўрттадан олтитагача миноралар бор.**

Энг кўп минорали иншоот пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг «Набавий» масжидларидир. У ерда ўнта минора бор. Буюк Ипак йўли маданий, савдо йўлларида муҳим марказлар ҳисобланган шаҳар ва қишлоқ масканларида бунёд этилган минорасимон иншоотларнинг илк кўринишлари сақланиб қолмаган бўлса-да, дастлаб улар карвон йўлларини белгиловчи маёқ, шаҳарлар аҳолисини ташқи хавфдан огоҳ этувчи кузатув миноралари вазифасини ўташ учун қурилган.

IX-X асрлардан бошлаб бу турдаги иншоотлар диний мақсадларда бунёд этилган. Бухоро, Вобкент, Жарқўрғон, кўҳна Урганчдаги бу давр минораларининг меъморий-конструктив ечими юқорида қайд этилган вазифаларни бажаришга мос қилингани бундан далолат беради.

Ўзбекистон ҳудудида меъморий мажмуалардаги гулдаста, буржларнинг минорасимон шаклларида бетакрор ечимлар мавжуд. Уларнинг нодир намуналари Марказий Осиё меъморчилигининг темурийлар ва ундан кейинги давр босқичида юксак бадиийликка, эстетик-декоратив кўринишга эга экани чет эл мутахассислари томонидан ҳам тан олинган.

Юқорига кичрайиб борадиган, бир неча бўғинли миноралар темурий иншоотларида ўзига хос кўринишга эга бўлган. Марказий Осиё меъморчилигида темурийлар даври меъморий безак санъатидаги қирқма кошин қопламалар билан безатилган катта миноралар мағриб ва Яқин Шарқ, Хуросон минорасимон иншоотларига қараганда салобатлилиги билан фарқланади.

Асосан юқорига торайиб борадиган конус, цилиндирсимон иншоотларда минора қурувчиси, қурилган жойнинг мавқеига қараб, арабий ёзувли белбоғ қилинган. Мадрасанинг баландлиги, унинг ҳашамидаги бу белбоғлар маълум даврга хос бўлган қоидага қараб аниқланган. Ўлчам бирлиги газнинг метрик ҳисоби ўзгариб борганини ҳисобга олганда, минора баландлиги қурдирган шахснинг мавқеига қараб белгиланган камарлар сонига боғлиқ, деган тахминлар ҳам бор.

**Дилноза ҒАНИЕВА,**
**Регистон ансамбли гид-экскурсоводи.**

▶▶ Мулоҳаза учун мавзу

# Маданиятсизликми, ИШҚИБОЗЛИК?




**Футбол ўйинини томоша қилишга кирган эдим. Мухлисларнинг аксарияти ўттиз ёшгача бўлган ёшлар. Уларнинг эгнидаги ажнабий кийимлар диққатимни тортди. «Келинлар қўзғолони»да Фармон биби айтган сўзлар ёдимга тушди: «Хўрозқанд чет элники дейишса, ётиб олиб ялашади».**

Бирининг кўкрагида аллақандай хорижлик, мушт ўқталиб турган боксчи, яна бирида Роналдо, бошқасида Месси расмлари. Бир ўсмир Америка байроғидан тикилган футболка кийиб олган.

- Тавба, бу нима? Тарғиботми, ташвиқотми ё «маданият»лилик белгисими? Агар ташвиқот бўлса, Ватандан ғурурланиш, футболчиларимиз, жаҳонга машҳур боксчиларимиз, курашчиларимиз расмлари қани?

Оммавий маданиятнинг ёшлар маънавияти ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида кўп гапирамиз. Аммо миллий қадриятларимизга зид бу «маданият»нинг кириб келаётган манбалари ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Иллат мана шундай, сездирмасдан ўзига қарам қилиб олаётган «майда-чуйда» кўринишларда эмасмикан? Шу ўринда оммавий маданиятнинг ҳаётимизга кириб келишида салмоқли «улуш» қўшаётган телеканалларнинг миллийликдан йироқ айрим реклама ва сериалларини айтиб ўтиш керак. Уларда ўзбек тилининг бузиб гапирилаётгани етмагандек, кийиниш одобига ҳам тележиссёрлар эътибор беришмаяпти. Миллий сериаллардан бирида ёши қирқдан ошган эркакнинг кўксига «Лондон», деган ёзувли кўйлак кийганига нима дейсиз?

Кийиниш маданияти – дид, фаросат! Айниқса, миллионлаб томошабинлар ҳузурига чиқишда бу жуда зарур. Ҳозир ўзимизда чет элникидан қолишмайдиган чиройли трикотаж буюмлар ишлаб чиқариляпти. Уларнинг боғча, мактаб ўқувчилари, ўсмир ёшларга мўлжалланганида юртимизнинг жаҳонга машҳур спортчилари, туризм объектлари бўлган тарихий шаҳарлар, гўзал табиатимиз манзаралари акс этиб, қалбимизда фахр уйғотиб турса, қандай яхши.

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

▶▶ Ҳикоя

# ОТА



**Ўша йили учинчи синфга ўтаётгандим. Бўйим бироз чўзилиб қолган бўлса керак, биринчи синфда кийган кийимларим тўғри келмай қолди. Бу ҳам етмагандек, онам шимимнинг қаеригадир ямоқ солиб берса, икки кун ўтмай, бошқа жойидан ситраб кетаверди. Қишда катта опамнинг қизил палтосини кийгандим. Акамнинг эски оёқ кийими билан иккинчи синфни зўрға тугатдим. Хуллас, ота-онам янги кийим олиб берадиган бўлди. Бозорга отландик...**

Бозор. Улуғлар айтганидек, қорни оч одам бозорга борса, тўяди. Емасаям тўяди. Жилла қурса, бозор кўриб юрган одамнинг кўзи тўқ бўлади. Отам билан кийим-кечак сотиладиган томонни қарийб ярим кун айландик. Ҳар бир харидор ёнидан узоқлашарканмиз, отам таассуф билан бош чайқарди. Кўзимга қарамасликка уринарди. Хуллас, менга «тўғри келадиган» кийим топилди. Қизиғи, отам олиб берган шим ва кўйлак, оёқ кийим ҳам анча катта келди. Отам «Икки-уч йил бемалол киясан», деб қўйди. Ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Эрта-индин мактабга бориб, синфдошларимга мақтанишни дилимга тугиб қўйдим.

Бола – бола экан-да. Отасининг чўнтаги, аҳволи қизиқтирармиди? Мен ҳам бола эдим. Кийим бозордан чиқарканмиз, димоғимга «гуп» этиб таомларнинг ҳиди урилди. Айниқса, кабоб кўзимга оловдай кўринди.

– «Шашлик» олиб беринг, – отамнинг нигоҳини қўра томонга бурмоқчи бўлдим.

– ...

– Қаранг, ота, менгаям олиб беринг, оч қолдим.

Бу сўзни ҳеч бир ота «кўтара олмайди». Назаримда, жуда оғир гап қилгандим. Отамнинг бир қўлида менинг янги кийимларим, иккинчи қўли эса чўнтагида эди... Нималарнидир чамаларди, шекилли, беихтиёр тамаддихона томон бурилди.

– Юр ўғлим, бир сени «шашлик»ка тўйдирай, – балки кенжа фарзанд бўлганим учундир, отам бирор марта илтимосимни ерда қолдирмаганди.

Ошпаз амаки битта шапати нон ва икки дона сихда кабоб олиб келди. Ликопчада пиёз ҳам қўйди. Мен дастлаб ҳеч нарсага эътибор қилмай, олдимга қўйилган таомни шошилганча еб бошладим. Битта сихни тугатгач, бироз нафсим қонди, шекилли, отамга юзландим.

– Сиз емайсизми?

– Сен еявер, ўғлим, менинг қорним тўқ, – отам шапати нон билан пиёз чайнаб ўтирарди.

Кабобни охиригача тугатдим, отам эса аччиқ пиёзни нонга қўшиб едилар...

Йиллар ўтса-да, бу воқеани негадир эсимдан чиқара олмадим. Ўзим хотирлаб қолишга интилганларим, эсламоқчи бўлганларим ёдимдан кўтарилиб кетди. Лекин отам билан боғлиқ ўша воқеани юрагим эзилиб эслайман. Чунки у пайтларда оддийгина деҳқончилик билан рўзғор тебратган отамнинг менга ҳар йили янги кийим олишга пули йўқ эди. Ўзимга анча катта бўлган кийим-бошни «сенга лоппа-лойиқ келди», дея олиб бергани ҳам шундан. Ёки, отам қорни тўқлигидан эмас, чўнтагининг «очлигидан» пиёз чайнагани юрагимни ўртайди. Менинг болаларча овқатга ошиққаним ва мазали таом олиб бергани учун ўзини қаҳрамон санаганимни сезганидан отамнинг кўзи ёшланганди ўшанда. Қизиғи, «пиёз аччиқ экан», деб буни сездирмаганди.

Бугун болаларимни истаганча кабобга тўйдира оламан. Хоҳлаган кийимларини кийишади. Чўнтагимда пулим тугайди, деган хавотирим йўқ. Яқинда ўша болалик хотираларимни эслаб, отамга кабоб олиб бермоқчи бўлдим. Ўйламанг, бу билан менинг қарзим узилади, деган фикрдан мутлақо йироқман. Аммо инсонда шундай ҳислар бўладики, уларга изоҳ бериб бўлмайди. Шунчаки, юрак буни амр этади.

Замонавий ресторанда отам иккимиз ўтирдик. Дастурхонни уч-тўрт хил кабоб билан тўлдирдим. Энг ноёб таомларга буюртма бердим. Отам битта сихни қўлига олди-да, анча вақт тикилиб қолди. Бир чимдим еган бўлди.

Ўзимча ўйладим, отам ҳам ўша воқеани эслаётганмикан?

– Олинг, ота!

– Болам, буларингни ейишга тишим йўқ-да, ундан кўра аччиққина кўк чой айтсанг-чи...

Юрагим узилиб кетди. Отам ўшандаям аччиқ пиёз билан қорин тўйғазганди!

**Исомиддин ПЎЛАТОВ.**

# Нега сабрсизмиз?

Қаранг-а, битта пандемия туфайли дунё ўзгариб кетди.

Тождор вирус пандемияси ҳамманинг журъатини олиб қўйгандек, хавотир, ҳадик пайдо бўлган. Умуман, асаблар зўриқишидан юзага келаётган касалликларнинг сони кўпайганга ўхшайди.

Ким бахтли ҳозир? Ҳеч ким!

Хотиржам одамни топиш амримаҳол. Бахтга қарши, атрофинг тўла найрангбоз, алдамчи, нуқул ўз манфаати, фойдаси, «мен»ини ўйлашади.

Энди ўйлайлик, бунинг ечими нима ва қаерда? Ечими бор, улар аллақачон биз унутиб қўйган фазилатлар. Шулар йўқ ҳозир бизда. Булар ахир ота-боболаримиздан мерос метин фазилатлар – оғир-босиқлик, чидам, сабр, тоқат, камга қаноат, сабот ва бардош.

Биз ҳаётнинг энг гўзал хазинаси бўлган мана шу меросимизни унутиб бўлдик, ҳисоб.

Уларнинг ўрнига жиғибийронлик, жиззакилик, бетоқатлик каби қусурлар эгаллади. Ҳозир ақалли биронта босиқ, хотиржам одамни топа оласизми? Йўқ, албатта. Нимани йўқотиб қўйган бўлсак, ўшанга зормиз.

Ҳар не бўлганда ҳам оқибатдан қўрқайлик....

**Муродим УМРЗОҚОВ.**

▶▶ Рассом ижодхонасидан

# «ЗОМИН МАНЗАРАСИ»



*Нуриддин Калонов чизган сурат. 2018 йилда бир гуруҳ ижодкорларнинг Зоминга сафари чоғида чизилган. Суратда тоғлар қўйнидаги кичкина қишлоқда куз манзараси, ирмоқлар, дарахтларнинг фасллар ўзгаришидаги кўриниши ўзига хос тасвирланган.*

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**8 ЯНВАРЬ**

**Исроил МИРЗАЕВ** – (1938-2007) Қашқадарё вилояти Косон туманида туғилган. Филология фанлари доктори.

**9 ЯНВАРЬ**

**Улуғ ТУРСУНОВ** – (1905-1971) Қўқон шаҳрида туғилган. Тилшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**10 ЯНВАРЬ**

**Ҳотам УМУРОВ** – 1942 йилда Жиззах вилоятида туғилган. Филология фанлари доктори. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

**Суюн КАРИМОВ** – 1950 йилда Нуробод туманидаги Улус қишлоғида туғилган. «Шуҳрат» медали соҳиби. Филология фанлари доктори.

**11 ЯНВАРЬ**

**Толиб МЎМИНОВ** – (1943-2021) Самарқанд шаҳрида туғилган. Физик олим. Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги.

**14 ЯНВАРЬ**

**Валиқул ЙЎЛДОШЕВ** – 1957 йилда Навоий вилояти Хатирчи туманида туғилган. «Шуҳрат» медали соҳиби.

**Жалолиддин Румий сўфичиликнинг арконларидан бири ҳисобланади. Кўплаб одамлар унинг олдига маслаҳат ва доно сўзларини тинглагани келишган. Бир куни унинг олдига қўшни аёл ўғли билан келиб, шундай дейди:**

# Румийнинг сўфилик ҳикоятлари

- Мен аллақачон барча усулларни қўллаб кўрдим, лекин ўғлим менга қулоқ солмайди. У жуда кўп миқдорда шакар ейди. Илтимос, бу яхши эмаслигини унга айтинг. У сизнинг гапингизга қулоқ солади, зеро, сизни жуда ҳурмат қилади.

Румий болакайга қараб, унинг кўзларидаги ишончни кўриб деди:

- Уч ҳафтадан сўнг келинг.

Аёл таажжубда эди. Ахир, бу оддий нарса-ку! Тушунмадим... Одамлар узоқ ўлкалардан ўз муаммоларини ҳал қилиш учун келишган ва Румий уларга шу заҳотиёқ ёрдам берган... Шунга қарамай, аёл уч ҳафтадан сўнг келади. Румий болакайга яна қараб, дейди:

- Яна уч ҳафтадан сўнг келинг.

Шунда аёлнинг тоқати тоқ бўлиб, гап нимада эканлигини сўрашга қарор қилади. Аммо Румий олдинроқ айтганини қайтаради. Улар учинчи ҳафта келишганда, Румий болакайга дейди:

- Ўғлим, маслаҳатимга қулоқ тут, кўп шакар ема, бу соғлиқ учун зарарли.

- Сиз менга айтяпсизми, бошқа емаганим бўлсин, дея жавоб берди болакай.

Шундан сўнг она ўғлидан кўчада пойлаб туришини сўрайди. Бола кўчага чиққач, она Румийдан нима учун биринчи куниёқ насиҳат қилмагани ҳақида сўрайди. Жалолиддин иқрор бўлиб, ўзи ҳам шакар ейишни яхши кўрганлигини, бошқаларга маслаҳат беришдан олдин, аввалига ўзи бу одатдан воз кечиши лозим бўлганлигини айтади. Бошида, бунинг учун уч ҳафта етарли, деб ҳисоблайди, аммо адашади...

Устанинг сифатларидан бири шундай: у бошқаларни ўзи босиб ўтмаган йўлдан юришга ундамайди. Уста авваламбор, ўзига тўғри. Унинг сўзлари ҳақиқат билан уйғун - “Қачонки, раҳмдил инсон ёлғон илмни тарғиб этса, у ҳақиқатга айланади. Қачонки, аҳмоқ одам ҳақиқатни айтса, у ёлғонга айланади”.


MATBUOT UYI Zarafshon САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

*Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 22 002 nusxada chop etildi. Buyurtma 10. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2*

***Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: D.TO'XTAYEV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X
9 772010 667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda